

**МИРЗАЧЎЛНИНГ ЎЗЛАШТИРИЛИШИ ТАРИХИ ХУСУСИДА
(XIX АСР ОХИРИ XX АСР БОШЛАРИ)**

Бобожонова Чарос Ботиржон қизи
ГулДПИ талабаси

**ОБ ИСТОРИИ ОСВОЕНИЯ ГОЛОДНОЙ СТЕПИ
(КОНЕЦ XIX ВЕКА - НАЧАЛО XX ВЕКА)**

Бабаджанова Чарос Ботиржон кизи
студентка ГулДПИ

**ABOUT THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF THE HUNGRY STEPPE
(LATE XIX TH CENTURY - EARLY XX TH CENTURY)**

Bobojonova Charos
student of GulDPI

Аннотация: Мақолада рус ҳукумати томонидан Мирзачўл ҳудудини ўзлаштирилиши, рус аҳолисининг кўчириб келтирилиши ва бу ерга рус қишлоқларининг пайдо бўлиши масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Мирзачўл, Фон Кауфман, Николай Константинович Романов, экспедиция, Россияси ҳукумати, Зарафшон дарёси, Туркистон генерал-губернаторлиги, “Царь-плотина”–“Шоҳ-тўғон”, А. В. Станишевский, Д. Гаммонд.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы освоение Голодной степи царским правительством, переселения русского населения и возникновения русских поселений.

Ключевые слова: Мирзачул, Фон Кауфман, Николай Константинович Романов, экспедиция, правительство России, река Зарафшан, Туркестанский генерал-губернатор, «Царь-плотина»-«Шах-дамба», А. В. Станишевский, Д. Гаммонд.

Annotation: The article examines the development of the Hungry Steppe by the tsarist government, the resettlement of the Russian population and the emergence of Russian settlements.

Keywords: Mirzachol, Von Kaufman, Nikolai Konstantinovich Romanov, expedition, Russian government, Zarafshan River, Turkestan Governor-General, "Tsar Dam" - "Shah Dam", A. V. Stanishevsky, D. Gammond.

Рус чоризми Туркистонни босиб олгач, Мирзачўлга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг сабаби, Мирзачўлнинг Тошкент билан Самарқандни боғловчи муҳим стратегик йўлда жойлашганлиги ҳисобланади. Бу йўлда хавфсиз ва бемашаққат катновни таъминлаш учун бу ерларда аҳоли манзилгоҳларини барпо этиш лозим эди.

Аҳоли манзилгоҳларини барпо этиш учун эса, бепоен чўлга сув чиқариш талаб этиларди. Иккинчидан Мирзачўлга сув чиқариш орқали бу ерда Россия саноати учун ўта зарур бўлган пахтани етиштириш мумкин бўларди.

Империя маъмурларидан бири А. Кушакевич Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши Туркистон генерал-губернаторлигининг жануб, жанубий-шарқий қисмига олиб боровчи савдо ва ҳарбий йўли атрофида аҳолининг зич жойлашувига олиб келади, деб ҳисобларди. Унинг фикрича, бу ерга дастлаб кўчманчилар экин экиш учун келиб ўрнашадилар, сўнггра улар аста-секинлик билан ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлайдилар. Фойдаланилмай ётган унумдор ерларда янги қишлоқлар пайдо бўлиб, улар савдо ва саноатнинг ривожланишига туртки бўлиши кутилган эди. [1, 20]. Шу сабабли ҳам чор Россияси маъмурлари Мирзачўлнинг фойдаланилмай ётган имкониятларини юқори баҳолаб уни “Иккинчи Туркистон” деб аташган. К. П. Кауфман 1869 йилда Мирзачўлни суғориш масалаларини ўрганиш, бу ерда топографик нивелировка ва худуднинг харитасини ишлаб чиқиш масалаларини амалга ошириш учун ҳарбий топограф, инженер, барон Аминов бошчилигидаги гуруҳни Мирзачўлга юборади [2, 3]. Шу билан бирга гуруҳ томонидан Мирзачўлдаги қадимги ўтроқ аҳолига тегишли бўлган манзилгоҳлар харобалари ва қадимги сув иншоотларининг излари ҳам ўрганилади. Унинг бошчилигида 1870 йилда тузилган лойиҳага кўра Мирзачўлни Зарафшон дарёси суви билан суғориш фойдалироқ деб топилади. Бироқ, Зарафшонда сувнинг камлиги туфайли бу лойиҳа қабул қилинмайди [4. стр. 135, 5].

1883 йили Туркистонда пахтанинг Америка навлари етиштирила бошланди. Сифати яхшиланаётган Ўрта Осиё пахтасига талаб ва эҳтиёж кучая боради. Пахта етиштириш сердаромад бизнесга айланади. Бу билан ҳатто Россия подшосининг яқин қариндоши, улуғ князь Николай Константинович Романов ҳам жиддий шуғуллана бошлайди. 1883 йили Туркистон ўлкасида суғориш ишлари ва деҳқончилик хўжаликларини юритиш айнан унга топширилади. У Мирзачўлнинг ички қисмига сув чиқариш учун Бекобод қишлоғидан 7 верст юқоридан тўғон қурдиради. Қўштегирмон қишлоғидан бир верст пастда жойлашган Фарҳод қояси ёнида, қамишдан ва тош уюмларидан кўтарилган ушбу тўғон “Царь-плотина”–“Шоҳ-тўғон” номини олади. Ва шу ерда Мирзачўлга сув бериши керак бўлган каналнинг бошланғич нуқтаси белгиланиб, қазил ишлари бошланади. “Бухоро ариқ” деб номланган ушбу канал 1885-1890 йилларда, олти йил давомида қазилади. Унинг 1891 йил 9 май куни (чор Россияси қўшинларининг Бухоро амири қўшинлари устидан 1866 йил 9 май куни Сирдарё соҳилида қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги) ишга тушиши белгиланган бўлсада, каналдан сув юрмайди. Шундан сўнг князь “Бухоро ариқ”ни ташлаб унинг қуйи қисми тармоғида Беговот станциясидан 1,5 верст юқорида янги канал қаздира бошлайди.

Ушбу даврга келиб, Мирзачўлда пахта етиштириш учун америкалик бизнесменлар ҳам жиддий кураш олиб борадилар. 1903 йили Туркистонда Америка “илмий” экспедицияси пайдо бўлади. Расман олганда, бу экспедиция “археологик экспедиция”

деб аталган бўлсада, унинг таркибида битта ҳам археолог қайд этилмаган. Экспедицияга маълумоти бўйича тоғ-кон ишлари муҳандиси Р. У. Помпелли раҳбарлик қилади. Экспедиция аъзоси В. М. Дэвис эса Америкада физика-география бўйича йирик мутахассис сифатида маълум ва машҳур эди. Экспедиция Сирдарёда сув миқдорини ўрганади, Мирзачўл тажриба майдонида бўлиб, бу ердаги тупроқдан ва етиштирилаётган пахтадан таҳлил учун намуналар олади ва яна Америкага жўнаб кетади. Экспедиция фаолиятининг натижаси шу бўлдики, улар ўз юртларига боргач, “Осиё қитъаси қурияти”, деб шов-шув кўтаришади. Улар томонидан бутун Осиё минтақаси сахрога айланиши башорат қилинади.

Америкалик олимларнинг “Осиёнинг қуриши назарияси” чоризм маъмуриятининг олий доираларида, агарда Осиё қурийдиган бўлса, Мирзачўлдаги суғориш иншоатлари қурилишига маблағ ажратиш керакми? деган иккиланишларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Аммо, рус тадқиқотчилари бу ерда ортиқча буғланиш йўқ, агарда намлироқ келган йилларда кўпроқ ёғингарчилик бўлса, буғланиш миқдори ҳам ортади; қуруқ келган йилларда эса акси бўлади деб айтадилар. Қисқаси, улар “Осиёда жадал қуриш йўқ жараёни кузатилмайди” дега хулосага келадилар [5. с.4].

Рус олими, Войков иқлими ва жўғрофий жойлашуви жиҳатидан Мирзачўлни сунъий суғориш ва пахтачиликни ривожлантириш учун рисоладагидек вилоят деб ҳисоблайди. Шу ўринда бир нарсани яъни Мирзачўлни эгаллаш учун Америка ва Россия ўртасида рақобат кетганлигини таъкидлаш ўринлидир. “Осиёни қуриши” деган назария ҳам катта эҳтимол билан америкалик йирик ишбилармонларнинг режаси бўлиши мумкин. Бундай дейишимизга юқоридаги “Осиёнинг қуриши назарияси”га қарамасдан, Америкалик йирик сармаядор Д. Гаммонднинг бутун Мирзачўлни қўлга киритиш учун Россия ҳукумати билан музокарага киришганлиги асос бўлади. Бироқ, Россия сармаядорлари тайзики остида чоризм маъмурлари Гаммонд билан музокарани узишга мажбур бўлди. Чор Россияси ҳукуматининг “Ер қурилиши ва деҳқончилик бош бошқармаси” бошлиғи А. В. Кривошеин 1912 йил май ойи охирида телеграф орқали Гаммондга ер ажратиш бўйича унинг илтимоси рад этилганини хабар қилади. Шу тариқа, Америкалик сармаядорларнинг манфаатидан келиб чиқиб, иш юритган “Археологик” экспедициянинг “Осиёнинг қуриши” назарияси амалга ошмади. Мирзачўлда янги суғориш тармоқларининг барпо этилиши кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш имконини берди. Бунинг натижасида янги экин майдонлари вужудга келди, воҳанинг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолиси ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлади. Мирзачўлда аҳолиси асосан суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва савдо-сотик билан шуғулланувчи дастлабки рус кишлоқлари пайдо бўлади.

Шу билан бир қаторда чор Россияси мустамлакачилари Мирзачўл ерларини қисман ўзлаштириб, баъзи натижаларни қўлга киритган бўлсада, ўзлаштирилган ерлар назоратдан четда қолдирилди, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жиддий эътибор берилмай, қаровсиз ташлаб қўйилди.

Мирзачўлда рус қишлоқларининг пайдо бўлиши сабаблари борасида назаримизда, чор Россияси ҳукуматининг “Ер қурилиши ва деҳқончилик бош бошқармаси” бошлиғи А. В. Кривошеин билдирган фикрларини келтириш ўринлидир. Унинг ёзишича, ўлкада пахтачиликни кенгайтириш марказий масала бўлиб, унинг битта эмас, учта асосий томони бор. Бир томони “пахта” бўлса, иккинчи томони – “суғориш”, учинчи томони, энг муҳими “русларни жойлаштириш” бўлган [5. С. 20, 6].

Демакки, Чор Россияси Туркистонда, шу жумладан, Мирзачўлда рус қишлоқларини ташкил этиш орқали бу ерда мустамлакачилик тузумининг таянч манзилгоҳларини яратиш ва шу билан бу ерда ўзларининг ҳукмронликларини ушлаб туришни мақсад қилганлар.

Мирзачўл тарихига тегишли архив ҳужжатлари ва матбуот материаллари асосида дастлабки рус қишлоқларининг ташкил топиши санасини А. В. Станишевский куйидагича келтиради: “Надеждинский” (1886), “Романовский” (1887), “Николаевский” (1891), “Обетованный” ва “Верхний Волинский” (1896), “Конногвардейский” (1897), “Духовский” (1898), “Спасский” (1907), “Нахаловка” (1909), “Алексеевский” (1913). [6,7]

Биринчи босқич 1885 - 1896 йилларни қамраб олиб, бунда рус қишлоқларининг ташкил топиши, Мирзачўлни ўзлаштириш ишларини кенгайтириш билан боғлиқ. Иккинчи босқич 1896 - 1910 йилларни ўз ичига олиб, бу босқич Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари давом эттирилиши, бой рус деҳқонларининг имтиёзли шартлар билан воҳага кўчиб келишларини рағбатлантириш, темир йўл тармоғи қурилишининг бошланиши ва ҳукумат рухсатисиз кўчиб келганлар томонидан янги рус қишлоқларининг пайдо бўлиши билан характерланади. 1910 - 1917 йилларни қамраб олган учинчи босқичда воҳада ўзига ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий таянчни вужудга келтириш мақсадини кўзлаган чор ҳукумати режаси асосида янги рус қишлоқлари ташкил этилган. Агар XIX асрнинг 70 - 80 йилларида Россия губернияларидан Мирзачўлга кўчиб келган аҳоли келиб-кетиб яшаган бўлса, 90 - йиллардан бошлаб эса улар муқим яшай бошлашган, уларга ҳукумат томонидан ссудалар ажратилган, хонадонлар сони кўпайган.

Рус қишлоқларининг ҳаммаси ҳам “қонуний”, яъни ўлка маъмурияти рухсати билан тузилмаган. Қонуний равишда фақат “Спасский” ва “Велико Алексеевский” қишлоқлари тузилган. Қолган рус қишлоқлари ҳукумат рухсатисиз ташкил этилган бўлиб, ҳукумат асосий эътиборни қонуний равишда тузилган қишлоқларни ободонлаштиришга қаратган. Махсус топшириқлар олган чор маъмурлари воҳага келиб, фақат ободонлаштирилган қишлоқларни ўрганиш билан шуғулланишган. Ҳукумат рухсатисиз тузилган қишлоқлар ҳақида эса “мавжуд” деб айтиб ўтишган, холос. 1917 йил бошида Мирзачўлда 24 та рус қишлоғи мавжуд бўлган. Мирзачўл худудидаги биринчи саноат корхонаси – пахта тозалаш заводи 1910 йили заводчи бой Вадьяев томонидан, ҳозирги темир йўл станциясининг шимолида қурилади. Завод дастлабки йили Россияга 16 вагон, жами 105 тонна пахта жўнатади. 1914 йил ноябрь

ойи охирларида князь Романов томонидан иккинчи пахта тозалаш заводи курилиши бошланади [6.8].

Мирзачўлда янги суғориш тармоқларининг барпо этилиши кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш имконини берди. Бунинг натижасида янги экин майдонлари вужудга келди, воҳанинг кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолиси ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлади. Мирзачўлда аҳолиси асосан суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланувчи дастлабки рус қишлоқлари пайдо бўлади.

Шу билан бир қаторда чор Россияси мустамлакачилари Мирзачўл ерларини қисман ўзлаштириб, баъзи натижаларни қўлга киритган бўлсада, ўзлаштирилган ерлар назоратдан четда қолдирилди, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жиддий эътибор берилмай, қаровсиз ташлаб қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кушакевич А. Сведения о Ходжентском уезде. - Спб., 1875. 20 с.
2. Туркестанские ведомости Ташкент, 1873 10 июль
3. Войков А.И., "Известия русского географического общества", т. 44, выпуск 111, стр. 135
4. Войков А.Н. Пояснительная записка к проекту орошения 40 000 десятин в южной части Голодной степи и 40 000 в Далварзинской степи, Ходжентского уезда, Самаркандской области.- СПб., 1908.
5. Кривошеин А.В. Записка главноуправляющего землеустройством и землеведением о поездке в Туркестанский край в 1912 г. – СПб, 1912. – с.4.
6. Омонжулов Т, Мирзаева Н. Мирзачўлнинг ўтмиш тарихи. “Зиё” Гулистон – 2011. 68 б.
6. Tuychiboev, B. B. (2021). THE ERA OF INITIAL IRON AGE MATERIAL CULTURE IN THE MID-SYRDARYA. *Bulletin of Gulistan State University*, 2021(2), 79-86.
7. Yuldashov, A., Tuychiboev, B., & Djoraev, A. (2024). AGRO-ECOLOGICAL CONDITION OF SIRDARYA REGION AND THE WAYS TO IMPROVE IT. *Science and innovation*, 3(C3), 5-10.
8. Basymovich, T. B. (2022). Some Issues on Studying Material Culture “Ancient Ustrushana”. *Texas Journal of Philology, Culture and History*, 11, 18-22.